

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 30 сентябрь, № 209 (7989)

Пайшанба

Сайтга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРДАН ЯГОНА МАҚСАД — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШДИР

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 сентябрь кuni Андижон вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Андижон туманида вилоят сайловчилари билан учрашув ўтказди. Шундан сўнг Андижон давлат тиббиёт институти клиникасини бориб кўрди.

Бу шафхона 1975 йилда қуриб битказилган. Кейинчалик жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. Клиникага йилга ўртача тўқсон мингдан ортиқ мурожаатлар бўлади. Ўттиз мингдан зиёд беморлар стационар тарзда даволанади. Шунингдек, Андижон давлат тиббиёт институти талабалари амалий машғулотларини шу ерда ўтказишади.

Лекин шафхонада бунинг учун шароитлар етарли эмас. Бинолар эскириб, таъмирталаб бўлиб қолган. Давлатимиз раҳбари бу ердаги аҳволни кўздан кечириб, Клиникани тўлиқ реконструкция қилиб, унинг негизда водий аҳолиси учун кардиология, нейрохирургия, кўз касалликлари ва урология бўйича мураккаб операциялар ўтказиладиган тиббиёт маркази ташкил этишга кўрсатма берди.

Президент шафхорлар билан суҳбатлашди. — Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун, энг аввало, одамларнинг саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилашимиз керак. Бу институти ва клиника шу борада катта марказлардан бири бўла олади. Бунинг учун зарур шароитларни яратамиз. Фақат таълим методикасини янгилаш, дунё тиббиётида қўлланилаётган илгор услубларни татбиқ этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди. Мутасаддиларга аҳолиси кўп Шаҳрихон тумани мисолида тиббий кўрик ўтказиб, касаллик турлари бўйича даволашнинг янги услубларини амалиётга жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги “Янги авлод” хусусий мактаби фаолияти билан танишди. Мазкур умумтаълим мактаби “боғча — мактаб — университет” бўғинидан иборат таълим кластерининг илк босқичидир. Мактаб ўн бир йиллик бўлиб, бу йил илк ўқувчиларини қабул қилди.

Таълим муассасаси уч қаватли иккита ўқув биносидан иборат бўлиб, 55 та синфхона, 3 та лаборатория, фан кабинетлари бор. Улар замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар билан таъминланган.

Мактаб чет тилларига ихтисослаштирилган бўлиб, инглиз, хитой, араб тиллари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи марта инглиз тили бўйича ноанъанавий методика асосида билим бериш йўлга қўйилди. Бунинг учун алоҳида мураббий фаолият юрғатилади, махсус қўлланмалар нашр этилган. Ўқувчиларга IELTS халқаро имтиҳон тизими бўйича 7-7,5 балл олиши кафолатланади.

Бундан ташқари, аниқ фанларни инглиз тилида интерфаз тарзда ўқитиш, ментал арифметика, ахборот технологиялари, робототехника тўғрисидаги таълим этилган. Ошхона, оқич ва ёпиқ спорт майдонлари, гимнастика ва хореография хоналарида зарур шароитлар яратилган.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси асосида “Янги авлод” мактаби ва Андижон шаҳридаги “Digital City” IT-парки ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган. Информатика дарслари, робототехника, график дизайн бўйича машғулотлар IT-парк мутахассислари томонидан олиб борилди.

Президент мактаб ўқувчилари билан суҳбатда уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлади. — Сизлар энг тўғри йўлни — билим йўлини танлагансизлар. Ҳеч қачон ўқийдиган, изланишдан тўхтаманглар. Вақт тез ўтади, эртага ҳаётда муносиб ўрин топишингиз, замонага мос мутахассислар бўлиб етишишингиз учун бугун ўқишингиз керак. Мен ишонман, сизлар мутлақо янги авлод ёшлари бўлиб улғаясизлар, ота-онангиз, эл-юртингиз орузини рўёбга чиқарасизлар. Чунки сизларда билим бўлади. Билим эса, кўп бор айтганимдек, ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Яккаю ягона наҳотимиз — илм, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда мактабга таълим муассасаси ва университет барпо этиш лойиҳаси тақдимот қилинди. Унга кўра, мактаб ёнида 150 ўринлик боғча, 500 ўринлик ахборот технологиялари университети қурилиши режалаштирилган. Шу тариқа боғча, мактаб ва университет таълим кластерига айланади. Уларда болалар боғча ёшидан чуқурлаштирилган билим олиб, ахборот технологиялари бўйича етук мутахассислар бўлиб етишади.

Давлатимиз раҳбари хусусий таълим истиқболлари билан қизиқди. Бундай мактабларга хориждан ўқув дастурлари ва ускуналар олиб келишда божхона имтиёзлари бериш юзасидан мутасаддиларга топширик берди.

Шу ерда журналистлар билан қисқача мулоқот бўлди. Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи якунига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Матнани ЭЛМУРОДОВ, Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбирлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ҲИТТИВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам устоз ва мураббийлар! Қадри фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонқур ходимларини умум-халқ байрами — Ҳиттивчи ва мураббийлар кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кутлуг айёмда сиз, захматкаш устозларга кўнглимизда, юрагимизда бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларини сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин, албатта. Чунки сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улғун инсонларсиз. Бу улкан бойлик — ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос — яхши тарбиядир. Шу боис бугун сизларнинг шаънингизга билдираётган олижаноб истақдорларимиз, таълим ва ташаккурларимизни бутун эл-юртимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтироми рамзи сифатида қабул этаёйсиз.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб камолот ёшига етгунга қадар уни хар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуksиз тизим яратилмоқда.

Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари,

ри, ихтисослашган мактаблар фаолият юрғатишда. Ҳозирги кунга келиб математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилгани, қамров даражаси 3 қарра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далolat беради.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Бундай янгиликлар жараёнида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан ўзгариб, уларнинг доимий изланиб, янгиликка интилиб яшаётгани, илгор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, халқ қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мухтарам ватандошлар!

Бугунги шиддатли замон олдимизга қандай мураккаб вазифаларни қўйётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларни халқ этиши ва эзгу мақсадларимизга етиш, дунё миқёсида рақобатбардор бўлиш учун халқимизни, аввало, болаларни, ёшларимизни илм-фан, маърифат ва маънавият, тараққиёт ютуқлари билан қуроллантиришимиз керак.

Айни шу мақсадда таълим мазмунини тўлиқ янгилаш учун мамлакатимиз олимлари, тажрибали педагоглар ва хорижий экспертларни кенг жалб қилган ҳолда, Миллий ўқув дастури яратилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Замонавий дарсликларни яратиш бўйича

дастлабки натижаларга эришилди, жорий йилда илк бор бир миллиондан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларимиз янги дарсликлар бўйича таълим олмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олийгоҳларимизни таълим ва илм-фаннинг йирик марказларига айлантириш бўйича бошлаган катта ишларимизни жадал давом эттиришимиз лозим.

Таълим соҳасининг яна бир муҳим вазифаси — фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, замонавий, кенг фикрлайдиган ёшлар авлодини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли **Ўзлуksиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари концепцияси**ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш объектив заруратга айланмоқда, деб ўйлайман.

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-иҷодий зиддиларини бугун биз интилайтган **Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни деб эътироф этмоқдамиз**. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, муаллим ва устозларнинг қадри, шаъни ва гурурини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни албатта янги поғонага кўтарамиз.

Сиз, азизларни кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сизнинг саломатлиқ, бахту саодат, эзгу фаолиятингизда фалкан муваффақиятлар, хонадонларингизга улғун бароқ тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, мухтарам устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнқ кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ташаббускорлиги ва фидойилиги, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодини шакллантириш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони билан**

**Имамова Сайёра Абдурахмановна** — Каттакўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-В синф раҳбари, физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Каримов Раҳматулла Ташбаевич** — Ученпа туманидаги 81-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони билан**

**Асетова Сарбике Алеуовна** — Қонлиқўл туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Некрасова Татьяна Павловна** — Миробод туманидаги 60-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Норметов Миллавои Жумабаевич** — Бўстонлиқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент вилояти

**Юлдошева Шохид Саъдуллаевна** — Хатирчи туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан**

**Курбанова Надира Саҳабовна** — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг «Томоша» болалар музика театри-студияси директори

**Қараева Хосият Ҳороқовна** — Денов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

**Хикматов Фазлиддин** — Ўзбекистон Миллий университетининг қуруқлик гидрология кафедраси профессори

**Шнайдер Ольга Михайловна** — Марғилон шаҳридаги 10-болалар музика ва санъат мактаби директори, Фарғона вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан**

**Муродов Камол Эргашевич** — Спорт яққурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими мураббийси

**Нормуродов Ашур Назарович** — Енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

## 1 октябрь — Ҳиттивчи ва мураббийлар кунини

### Янги ўғониш даврининг таянч устувлари шарафланти

Юртимизда 1 октябрь — Ҳиттивчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида муносабат қилинади. Зеро, бу ўз билим ва тажрибаси, инсоний фаълиятлари, қалб қўрини маърифат йўлига бағишлаган азиз устоз ҳамда мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзидир.

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройида ушбу сана муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, вазирилик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган педагоглар, илгор ўқитувчилар, спорт мураббийлари, олимлар ва талаба-ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳа ходимларига байрам табригини Бош вазир ўринбосари Бекҳод Мусаев ўқиб эшиттирди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган,

оилада фарзанд туғилганидан бошлаб, камолот ёшига етгунга қадар уни хар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуksиз тизим яратилгани қайд этилди.

Бу жараёнда инсон капиталига эътибор янада кучайтирилиб, муҳим дастур ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастурини ўрин олган қўллаб-қувватлов йўналишларига оид мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қараңг. >>>

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 29 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Видеоконференцолақ тарзда ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис иши Олий Мажлиси Сенатининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси аввалида аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратилди. Жумладан, қиравиллар муаммолари юзасидан Сенатнинг аввалги ялпи мажлисларида вазифалар белгиланган эди. Бу борада қилинган ишлар юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ахборот берди.

Ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил биринчи ярим йиллик янқуларини бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Ташкилланганидек, 2021 йил январь — июнь ойларида республикамиз иқтисодиётининг ЯИМ ҳажми 6,2 фоизга ўсиб, дунёда кечаётган пандемияга қарамай, 318,5 триллион сўми ташкил этди.

Иқтисодий ўсиш санoатда 8,5 фоиз, қурилишда 0,1 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжа-лигида 1,8 фоиз ҳамда хизматларда 8,0 фоизга ўсган. Инфляция даражаси йил бошдан 4,4 фоизни, ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан эса 10,9 фоизни ташкил этган.

Давлат бюджети даромадлари 2021 йил 1-ярим йиллигида 74,9 триллион сўмга етиб, прогнозга нисбатан 107,8 фоизга ёки 5,4 триллион сўм ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан 16,7 триллион сўмга ошган.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича жорий йил январь — июнь ойларида солиқ тўловчиларга республика бюджетидан 7,6 триллион сўм, ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан 6 баробардан кўп маблағ қайтариб берилган.

Давлат бюджетининг 2021 йил 1-ярим йиллиги харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 79 триллион 331,9 миллиард сўми, аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 96,9 фоиз ёки ЯИМга нисбатан 24,9 фоизни ташкил этган. Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетлар даромадлар қисми прогнозга нисбатан 118,9 фоиз, харажатлар қисми режага нисбатан 97,3 фоизга яқин эрилган.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида маҳаллий бюджетлар даромад қўрсаткичи 2 триллион 639 миллиард сўм ортиги билан ижро этилган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ оловон сурат.

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ: ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ УСТУНИДИР



**Ўзбекистонда бундан беш йил аввал барча соҳа қатори иқтисодий йўналишда ҳам ўта муҳим ва шиддатли ислохотлар бошланди. Иқтисодий тизим тўлиқ равишда қайтадан такомиллаштирилди, айтиш мумкинки, эски қолиплари синдириш, ўзгартириш қанчалик мушкул ва мураккаб бўлмасин, янги бозор механизмлари амалиётга жорий этила бошланди.**

Ҳаётий мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, нархларни тартибга солиш кўлами қисқартирилгани, тижорат банкларига кредит сиёсатини юритишда кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар берилгани, мамлакат иқтисодий тараққиётининг локомотивлари ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларга ўз бизнесини юритиш учун бутунлай янги имкониятлар яратилгани, айниқса, деҳқон ва фермерлар, кластер ҳўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айлангани алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мухтасар айтганда, иқтисодиётда ҳам салмоқли ютуқлар кўлга киритилди. Лекин эришилган ютуқ ва муваффақиятлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, энди тарихга айланди. Олдинда эса бу борада ҳам янгидан-янги ҳаётий заруратлар ва уларни амалга ошириш бўйича улкан вазифа ва имкониятлар пайдо бўляпти.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлиги номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сайловда дастури ҳисобланган **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** китобида инсон манфаатлари жамики иқтисодий ислохотларнинг негизи, асос-моҳиятини ташкил этиши белгиланган.

Шу маънода, бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада янги иқтисодий дунёқараш ва тафаккур, янги ҳаётий иқтисодий бозор муносабатлари ҳалқимизнинг эзгу орзу-ниятларини рўёбга чиқариш, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришига хизмат қилиши тўғрисида сўз юритилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, янги Ўзбекистон — инсон қадрли устувор бўлган жамяят ва халқпарвар давлатдир. Чунки барча ислохотларда давлат ва жамяятимизни янада ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш олий мақсад этиб белгиланган.

**Шу ўринда номзодимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев билан боис бўлган йўлимизга назар ташласак:**

## Бошланган иқтисодий ислохотлар янада жадаллик билан давом этаверади!

Сўнги йилларда миллий иқтисодиёт соҳаси изчил ва тизимли ислохотлар, муҳим эврилишлар, сиёсий ирода ва ташаббуслар марказида бўлиб, тобора раванқ топиб бормоқда. Эришилган ютуқларни эътироф этмоқ, атрофича таҳлил қилмоқ ва келажакдаги муҳим қадамларимизни шунга монанд белгилаш зарурати эса халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Албатта, иқтисодиётдаги ислохотлар нечоғли самара келтираётгани, вазиқадорлик ва масъулият доим диққат марказида туриши муҳимдир. Шу ўринда уларнинг эътиборли томонларига тўхталиб ўтиш лозим.

## Давлат бюджети барқарорлигига эришилди

**Биринчидан**, Давлат бюджети барқарорлиги таъминланмоқда ва бюджет ҳаракатларининг манзиллиги ҳамда

натияждорлиги ортиб бормоқда. **Иккинчидан**, Давлат бюджетининг очиклигини таъминлашда кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Бу, аввало, давлат идораларининг халқ олдидаги ҳисобдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Учинчидан**, бюджетни шакллантириш жараёнида аҳолининг иштирокини таъминлаш юзасидан **“ташаббусли бюджет”** тизимининг йўлга қўйилиши аҳолини қийнаб келаятган турли муаммоларга уларнинг ташаббуслари асосида ечим топилишига замин яратмоқда. Хусусан, жорий йилда мазкур тизим орқали фуқаролардан 41 мингдан зиёд тақлифлар келиб тушган бўлиб, уларга овоз беришда **1,1 млн. киши** қатнашган. Бу янги Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги салмоқли ютуқлардан-дир.

**Тўртинчидан**, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг мустақиллигини

ришлар ишбилармонларнинг ишончини оширмоқда.

Пандемия даврида бутун дунёда ва мамлакатимизда иқтисодий ҳаракатсизлик натияжасида инқирознинг янги кўриниши юзга келган бир пайтда Президентимиз томонидан салбий оқибатларни юмшатиш ва олдини олишга қаратилган бир қанча қарор ва фармонлар ўз вақтида қабул қилиндики, натияжада мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик мустақиллиги ва иқтисодий ўсишга эришилди.

## Пул муомаласидаги ижобий сифат ўзгаришлари

2017 йилда Президентимиз ташаббуси, сиёсий иродаси ва қатъий позициялари

**“Яқин-яқинда ҳам валютанинг эркин конвертацияси ҳақида фақатгина орзу қилиш мумкин эди. Ҳозир олдинги вақтдаги каби банклар олдидаги пала-партиш навбатлар, тўс-тўполонлар йўқ! Бугун у бозор қонуни — талаб ва тақлиф асосида уддаланмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотлар туфайли бир замонлар турли бюрократик тўсиқларни енголмай, ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтаган чет эллик инвесторлар Ўзбекистондаги муҳит мўътадиллашгач, яна қайта бошлашди”.**

ошириш орқали маҳаллий бюджетлар барқарорлиги таъминланмоқда ва уларда кўшимча ресурслар, яъни “пул маблағлари” шаклланимоқда. Бу эса, ўз навбатида, худудлардаги аҳолининг оғирини енғил қилиш, орзуларини рўёбга чиқаришда асосий дастак бўлмоқда. Биргина 2020 йилда оладиган бўлсак, мураккаб пандемия шароити бўлишига қарамастан, маҳаллий бюджетлар даромадлари ижроси прогнозга нисбатан **2,7 трлн. сўмга** (ёки 10 фоиз) орттириб бажарилганлигини келтириш мумкин.

## Солиқ сиёсатидаги одилонга ёндашув

**Солиқ ислохотлари том маънода иқтисодий ислохотларнинг бурилиш нуқтаси бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.** Давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган оқилона солиқ сиёсати, сиёсий ирода ва дадил қадамлар туфайли бугунги кунга келиб солиқ тизимида натияждор ишлар амалга оширилди.

Авалло, янги Солиқ кодекси қабул қилинди ва унга асосан **солиқ турлари қисқартирилди ҳамда ставкалари пасайтирилди.** Шундай бўлса-да, Давлат бюджетига тушумлар мунтазам ортиб бормоқда. Биргина 2020 йилги пандемия шароитида ҳам Давлат бюджети даромадлари режаси **4,2 трлн. сўмга** (режа 128,7; ижро 132,9) орттириб бажарилган. Умуман олганда, солиқ ислохотлари самарадорлиги туфайли 2020 йилда (132,9) бюджет даромадлари 2018 йилдагига (79,1) нисбатан **1,7 баробар ўсди.**

Энг муҳими, солиқ тизимида тадбиркорга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва бугун **солиқ идоралари тадбиркорнинг кўмакчиси**га айланди. Бундан ташқари, солиқ соҳасидаги туб ўзга-

туфайли мамлакатимизда валюта сиёсати эркинлаштирилиб, валютанинг эркин конвертациясига эришилганлиги тадбиркорларимизга кенг имкониятлар яратгани ҳеч кимга сир эмас.

Яқин-яқинда ҳам валютанинг эркин конвертацияси ҳақида фақатгина орзу қилиш мумкин эди. Ҳозир олдинги вақтдаги каби банклар олдидаги пала-партиш навбатлар, тўс-тўполонлар йўқ! Бугун у бозор қонуни — талаб ва тақлиф асосида уддаланмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотлар туфайли бир замонлар турли бюрократик тўсиқларни енголмай, ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтаган чет эллик инвесторлар Ўзбекистондаги муҳит мўътадиллашгач, яна қайта бошлашди. Бу йўналишда муҳим уч қадам ташланганини қайд этиш жоиз:

**Биринчидан**, ташқи иқтисодий фаолият эркинлашиб, бизнес учун маъмурий тўсиқлар олиб ташланди;

**Иккинчидан**, янги, замонавий, модернизация талабларига жавоб берадиган технологияларни олиб келишга кенг имкон яратилди;

**Учинчидан**, мамлакатимиз фуқароларига, шунингдек, мулкчилик ҳаққидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотларга бир хил шароит яратилди.

Шу билан бирга, кундалик ҳаётимизда кўп бора фойдаланганимиз — **банк пластик картаси** билан боғлиқ муаммолар яқин-яқингача ҳам мавжуд эди. Ўз ойлик маошининг қанчадир қисмидан, айтиш мумкин бўлса, фарзандлари ризқ-насибасидан кечиб, пластик картасига ташкилот маблағни фойз эвазига нақдлаштирган юртдошларимиз сони озмунча эдими? Буларнинг барчасига пул муомаласидаги ислохотлар натияжасида ижобий ечим топилди. Ҳозир исталган шаҳар ёки туман марказига бориб кўринг, нақд пул муаммоси бормикан?! Терминаллар кечаю кундуз ишлаб

турибди. Буларнинг барчаси иқтисодий ислохотларимиз меvasи эмасми?

## Халқаро майдондаги нуфузимиз

Ўзбекистон **жаҳон ҳамжамиятида** ўз мавқеини юксалтириш йўлидан шахдам одимлар билан бормоқда. Миллий рейтингимизни белгилаётган халқаро агентликлар ислохотларни муносиб баҳоламоқда. Бугун Ўзбекистон очиклик сиёсатини олиб бориши натияжасида **халқаро майдонда** ўз обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда. Оддий сўзлар билан айтганда, Ўзбекистон хорижий аренада ишончли ҳамкор кифасида намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз бундан-да юқори кўрсаткичларга эришишга қодир.

Дунёнинг энг нуфузли нашрларидан бири бўлган Буюк Британиянинг **“Экономист”** журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислохотларни амалга оширган давлат — **“Йил мамлақати”** деб эълон қилди. Шунингдек, Жаҳон банкининг **“Doing Business”**, яъни **“Бизнесни юритиш”** рейтингига Ўзбекистон энг илғор ислохотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олганлиги фикримиз исботидир.

Жорий йилнинг 10 сентябрида эса жаҳоннинг бир қатор етакчи давлатларида чоп этиладиган, дунё иқтисодчилари орасида машҳур бўлган **“Financial Times”** газетасининг бир неча саҳифасида Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг таҳлили келтирилгани — буларнинг барчасини мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг халқаро эътирофи сифатида баҳолаш мумкин.

Албатта, биз бундай ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, фарзандларимизнинг фаровон келажиги учун янада каттароқ марралар сари интилоғимиз лозим.

## Қолоқ тармоқ қолдими?

Бугун иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, худудларнинг имкониятларини тўла юзага чиқариб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бундай кенг кўламли ишлар натияжаси ҳар бир ҳафтада сезилмоқда. Илгари иложисиз бўлган муаммо ва масалалар ҳозирда ўз ечимини топмоқда.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги йўл-йўриқлари асосида юртимизда илгари умуман ривожланмаган тармоқ ва соҳалар ривожланишининг янги босқичга чиққанига гувоҳимиз бугун. Мисол учун балиқчилик соҳасини олайлик. Айни пайтда диёримизнинг қайси бир супермаркети ёки дўконига кирманг, ҳатто яқингача хорижий валютага импорт қилиб келтирилган, халқ тилида “қизил балиқ” деб ном олган лосось, сёмга, ҳатто осётрлар ҳам Ўзбекистонда етиштирилаётганлиги қувонarli ҳолатдир. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик, боғдорчилик ва бошқа кўплаб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи тармоқлардаги пухта йўланган ислохотлар ўз мевасини бермоқда. Мақсад битта, аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат билан таъминлаш. Бунинг негизиде эса одамларни рози қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш каби юксак вазифалар турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

## Барча янгилашиллар халқ манфаати учун!

Ислохотларнинг энг бирламчи мақсади аҳоли фаровонлигига қаратилгани билан аҳамиятlidir. Меҳнат тақсимотиға нисбатан янги ҳаёт ёндашув ва ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натияжасида пахта ишгим-терими мавсумида бошқа соҳа ишчи ходимларининг бу жараёнда иштирок этишига тўла барҳам берилди.

Шу ўринда тўхталиб ўтиш жоизки, жамятимизда камбағал қатлам борлиги кўп йиллар давомида яширилди. Камбағаллик тўшунчаси “кам таъминланганлик”, “эҳтиёжманлик” деган сўзга иборалар билан ҳаспўшланди.

Халқ билан мулоқотнинг самарали механизми йўлга қўйилгач, ҳақиқий аҳвол, яъни одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғирлиқ нуқталари ошкор бўла бошлади.

Ўрганиш ва тадқиқотлар аҳолининг кўпчилиги етарли ва доимий даромад манбаига эга эмаслигини кўрсатди. Демак, камбағал қатлам мавжуд. Уларнинг тахминан 12 — 15 фоизлиги ҳам ҳақиқат. Тақрибан айтсак, бу кам эмас, 4-5 миллион аҳоли дегани. Шундан сўнг амалий ишларга киришилди.

Маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида **“ёшлар дафтари”** ҳамда **“аёллар дафтари”** шакллантирилди. Мазкур дафтарлар ҳокимлар, секторлар раҳбарлари, мутасадди ташкилотларга қайси ҳудудда эртанимиз ворислари ва нозик хилқат вакиллари масалаларни бўйича ҳолат қандайлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш ҳамда шунга қараб зарурий чора-тадбирларни белгилашда қўл келди.

Одатда, ишсиз одамлар хунар ўрганиш, малака эгаллаш учун маблағдан қийналишди. Энди давлат айни шундай паллада ёшлар ва аёлларга моддий ҳамда ижти-



мой кўмак кўрсата бошлади. Ажратилган маблағ меҳнат бозориде талаб юқори бўлган касб-хунарларни ўргатувчи мингдан зиёд нодавлат таълим марказлари ташкил этилишига хизмат қилмоқда.

2020 йил бутун инсоният учун жиддий синовлар йили бўлди. Талафотлар катта, йўқотишлар кўп, асоратлар эса ниҳоятда оғир. Аммо ана шундай мушкул вазиятда одамзод бир нарсани ўрганди: ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаёт учун курашишни, олдинга интилишни ҳамда яшаш ва ишлашни.

Тўри, коронавирус пандемияси айни авжи паллада ҳамма уйда “қолди”! Яъни “кўринмас ёв”дан азият чекмаслик учун кўпчилик хонадониде иҳоталанишга мажбур бўлди. Ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муассасалари эшигига кулф осилди. Ҳатто қатор давлат идоралари ҳам иш тартибини ўзгартирди. Бироқ ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ.

Энг муҳими, ана шундай мураккаб вазиятда давлатимиз, ҳукуватимиз одамларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани йўқ. Аксинча, эҳтиёжман оилалар ҳар томонлама манзилли кўллаб-қувватланди. Айни шу вақтда Президентимиз ташаббуси билан **“темир дафтар”**лар жорий этилган эса, масаланинг оқилона ечими бўлди. Бу тизим давлат ёрдамини йўналтириб туриш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш учун муҳим асос яратди.

Айни пайтда “темир дафтар”лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, “ёшлар дафтари”га 18 — 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар киритилса, “аёллар дафтари” орқали 30 ёшдан ошган аёллар қамраб олинади. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик кўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи борларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Камбағалликни одамларга пул тарқатиб қисқартириб бўлмаслиги — оддий аксиома. Одамлар турмуши яхшиланишига тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Маълумки, иқтисодий тараққиёт камбағалликни камайтиради, камбағалликнинг кўпайиши эса иқтисодий тараққиётни сусайтиради. Одамларда соғлиқни сақлаш ва таълимдан фойдаланиш имкони чекланса, улар борган сари қашшоқлашади, иқтисодиётда талаб камаяди. Ўз навбатида, иқтисодиёт ўзининг юқори малакали ходимларига бўлган эҳтиёжини қоплай олмайди. Оқибатда ўсиш секинлашади.

Шуни айтиш жоизки, коронавирус пандемияси авж олган 2020 йилда аҳолининг барча қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Масалан, 2020 йил бошида ҳар ойда 552 минг оилга моддий ёрдам берилган бўлса, июнь ойида бу кўрсаткич 774 минг, июль ойида 876 мингтани ташкил этди. Йил охирига бориб эса ижтимоий нафақа берилган оилалар сони 1 миллион 200 мингга етди.

Қувонarli жиҳати, жорий йилда “темир дафтар” тизими янги босқичга кўтарилди. Яъни “Ижтимоий реестр”га қамраб олинган барча эҳтиёжман оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда сўнги беш йилда амалга оширилган улкан тарихий ислохотларнинг муфассал таҳлили Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда нашр қилинган **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** китобида ўз аксини топган. Бу янги Ўзбекистон тарихий йўлини янги босқичга олиб чиқишининг қафолати, деб ҳисоблайман.

Келажакнингизга бефарқ бўлманг, сўнги йиллардаги ютуқларимизнинг бардавом бўлиши учун, тараққиёт йўлимизни изчил давом эттиришимиз учун, янги нури манзилларга етишимиз учун О'ZLiDePдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беринг!

**Нодир ЖУМАЕВ,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутати,  
О'ZLiDeP фракцияси аъзоси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Каримова Угулжон Салаевна** — Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти **Курамбаев Каримбай** — Нукус давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

## «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Абибуллаева Анифе Аблязизовна** — Сирдарё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 9-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти **Атаева Матлуба Яхьяевна** — Бухоро шаҳридаги 24-қўриш имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти **Булатов Саидахбор Собитович** — Тошкент давлат педагогика университетининг тасвирий санъат кафедраси профессори

**Валиева Олмос Солиевна** — Кўкон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти **Жамолова Мавжуда Жамилова** — Бухоро вилояти «Баркамол авлод» болалар мактаби директори **Жуманиёзова Умида Садуллаевна** — Хива шаҳридаги 121-қўзи оғиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 6-А синф раҳбари, бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Кадиоров Аманулла Азизович** — Тошкент давлат техника университети хузуридаги Стратегик инновациялар ва информатизация тармоқлараро маркази директори **Каюмова Гулчехра Мухаммождонова** — Тўрақўрғон туманидаги Исоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби директори, Наманган вилояти

**Кудророва Елизавета Савитовна** — Қорақалпоғистон Республикаси 10-қўзи оғиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг рус тили фани ўқитувчиси

**Лагутина Ольга Владимировна** — Учкудуқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 2-Б синф раҳбари, бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Мирзаева Донохон Мадаминовна** — Қўрғонтепа туманидаги «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

**Мирзаева Умида Мирзахитовна** — Олмасор туманидаги 243-умумий ўрта таълим мактабининг 5-Б синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Муминова Нурхон Турғуновна** — Яккасарой туманидаги 89-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Насриддинов Холмаат Кўзиевич** — Қибрай туманидаги касб-хунар мактаби катта устаси, Тошкент вилояти

**Низомова Дилфуза Латифовна** — Каттақўрғон туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг 11-Б синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти **Рахматов Абдусамат Нигматович** — Шахрисабз туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Саидходжаева Нигора Эргашевна** — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Суллеймонова Зайнабхон Уринбоевна** — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Тилагов Ахмадқул Абдуазимович** — Жиззах шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 5-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Усмонов Аслонкул** — Қарши туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Хожимуродова Дилфуза Эшболтаевна** — Шеробод туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг 3-А синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

## I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Рахимова Дилдора Джуроевна** — Кармана туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси мудири, Навоий вилояти **Тиллаева Зебо Ербековна** — Тошкент давлат стоматология институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Абдурахманова Наргиза Хикматиллаевна** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

**Аминов Руфат Шавкатович** — Хива шаҳридаги Президент мактаби директори, Хоразм вилояти

**Ахмедов Комил Юнусханович** — Ангрэн шаҳридаги айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Тошкент вилояти

**Ивановская Алла Владимировна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Кошерова Абадан Тишбаевна** — Мўйноқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Маматмуродова Ойтути Рахмонқулловна** — Жомбой туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Маширипова Гуламдон Эгамбергеновна** — Урганч шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Муродова Новбахор Нематовна** — Яккабў туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси мудири, Қашқадарё вилояти

**Назарова Фатима Мустафақулловна** — Гулистон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг 6-Г синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Нурматова Гулчехра Хамидуллаевна** — Мингбулоқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг 3-А синф раҳбари, бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Паноева Сайёра Тураевна** — Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Бухоро вилояти

**Расулов Хаят Заирович (мархум)** — Тошкент архитектура-қурилиш институтининг гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар кафедраси профессори

**Рахимов Уткир Шакиржанович** — Узун туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Розикова Шохидохон Алижоновна** — Андижон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Содиқова Розия Жўраевна** — Бухоро шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хасанов Олимжон Абдукаимович** — Шароф Рашидов туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Худайбергенов Гулмирза** — Ўзбекистон Миллий университетининг математик анализ кафедраси профессори

**Юлдашева Хакима Бафоходжаевна** — Ўзбекистон туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Яхёев Нурулло Якубович** — Навоий шаҳридаги математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Навоий вилояти

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдинова Гулалим Чаржауовна** — Нукус шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Алимова Светлана Алексеевна** — Оҳангарон шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Бавенд Елена Бахрамовна** — Тошкент шаҳридаги «Competencies Development Centre» нодавлат таълим муассасасининг математика фани ўқитувчиси

**Бердиева Мукаррама Анваровна** — Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институтининг рус тили кафедраси мудири

**Бокиева Рохатхон Сайпибдиновна** — Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Наманган вилояти

**Бороздина Лариса Лориевна** — Юнусобод туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ғозибекова Матлуба Давроновна** — Боёвут туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Давланова Дилором Ахмадовна** — Кўшработ туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Джабборова Замира Қудратовна** — Косон туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Ибрагимова Насибхон Рустамжоновна** — Пахтаобод тумани мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосари, Андижон вилояти

**Каландарова Райхан Амановна** — Амударё туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг 7-А синф раҳбари, кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мақсудов Илхомжон Нишонбоевич** — Косонсой туманидаги 44-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тарбиячиси, Наманган вилояти

**Мирзаева Зулфия Холматовна** — Қарши шаҳридаги «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернет уйи энагаси, Қашқадарё вилояти

**Мирсаидов Мирзиёв** — Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтининг назарий ва қурилиш механикаси кафедраси мудири

**Молдабаева Насиба Кабуловна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Муратова Алфия Назгатовна** — Жарқўрғон туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

**Мухаметшина Нурия Мағсумовна** — Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Жиззах вилояти

**Новикова Ирина Николаевна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 105-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Рузиева Наргиза Иргашевна** — Қувасой шаҳридаги 90-қар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сидикова Саёра Уразалиевна** — Томди туманидаги табиий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Султонов Пўлатжон Салимович** — Геология фанлари университетининг нефть ва газ конлари геологияси факультети декани

**Тахмасов Чингиз Карам огли** — Зарафшон шаҳридаги «Алломиёв» спорт мажмуасининг самбо бўйича катта мураббийси, Навоий вилояти

**Тоختасинов Шухрат Махмутович** — Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори

**Узаков Акрам Нурмухамедович** — Иштихон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси, Самарқанд вилояти

**Ураева Дармон Саидахмедовна** — Бухоро давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, Бухоро вилояти

**Фаттоев Бахтёр Жабборович** — Сарисоё туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Чен Елена Леонидовна** — Урганч шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Шодманова Мухаббат Бойзақовна** — Жиззах вилояти кўзи оғиз ва заиф кўрувчи болалар учун махсус мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси

**Элмуратов Абдуманнаб Сапарович** — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Адинова Фирюза Бобоқулловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Навоий академик лицейининг тарих ва ҳуқуқ фанлари катта ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ахмедова Махпират Лапасовна** — Самарқанд давлат тиббиёт институти академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бойназаров Равшанбек Рашидович** — Сурхондарё вилояти кўзи оғиз ва заиф кўрувчи болаларга ихтисослаштирилган 125-мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси

**Ботирова Дилафруз Носировна** — Зафаробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 2-В синф раҳбари, бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Бўстонов Лutfидин Қўшакович** — Олтинкўл туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ғазизаева Динора Рахматходжаевна** — Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган 1-касб-хунар мактаби директорининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

**Душабоева Фазилат Абдумуниновна** — Бўка туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Жоникбоева Нодира Шералиевна** — Мирзачўл туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Жуманов Фарход Каримович** — Чирочки тумани халқ таълими бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

**Жураева Феруза Хайруллаевна** — Шофиркон қишлоқ ҳўжалиғи махсулотлари технологияси техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Закирова Зулфия Тураевна** — Сирдарё вилояти 70-санаторий туридаги мактаб-интернати психологи

**Икромовна Норгул Шароповна** — Миробод туманидаги 294-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Иноятлов Ислон Юсупович** — Тошкент «Темурбеклар мактаби» харбий-академик лицейининг тарих фани бош ўқитувчиси

**Кожалепесова Индира Оралбаевна** — Мўйноқ туманидаги касб-хунар мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кулмуратов Айбек Омирханович** — Шуманай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Курбаниязов Дауитбай Қалбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитаси раиси

**Мамадалиев Собир Иргашевич** — Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудири, Тошкент шаҳри

**Маматқулов Аскар Ғафрiddинович** — Олмалиқ шаҳридаги 80-қар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Тошкент вилояти

**Мирзаева Салимахон Райимжоневич** — Андижон давлат университетининг ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори, Андижон вилояти

**Розиков Камолiddин Усмонович** — Тошлоқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Саидов Амин Ҳалим ўғли** — Бухоро шаҳридаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Самадова Хуснора Нетьматовна** — Нишон туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Сапаева Мукаддас Артиковна** — Янгиариқ туманидаги 37-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Содиқов Алимардон Абдуқоликович** — Данғара тумани халқ таълими бўлими мудири, Фарғона вилояти

**Султонова Мохида Зайнидовна** — Янгиқўрғон туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 7-Е синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Турғунов Шерзод Мўйiddинович** — Бешарик туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 6-В синф раҳбари, информатика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ҳакимова Хулқар Абдусаттаровна** — Шўрчи тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ҳамдамов Каромат Ҳақбердиевич** — Бухоро давлат университети Қорақўл академик лицейининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Худайбердиева Дилфуза Жақбаровна** — Мингбулоқ педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Хусанова Нигора Яхшибоевна** — Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Эшниязов Эргаш Махмудович** — Тупроққалъа туманидаги ҳусурий ўқув-тайёрлов курси физика ва математика фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Юғай Аурика Иннакентевна** — Сирдарё туманидаги касб-хунар мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Юлдашев Носирхон Хайдарович** — Фарғона политехника институтининг физика кафедраси профессори, Фарғона вилояти

## «Соғлом турмуш» медали билан

**Атаджанова Сайёра Қутимовна** — Спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гандбол бўйича мураббийси

**Маткаримов Фарход Камилевич** — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бодибилдинг, фитнес ва мас-рестлинг бўйича мураббийси

## «Келажақ бунёдкори» медали билан

**Абдувахитов Бозормурод** — Жиззах давлат педагогика институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Болтаев Бобурбек Матёқуб ўғли** — Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Хайбатуллаева Сожидахон Зийнатуллаевна** — Олмасор туманидаги «Aliphan kids» нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

## «Шухрат» медали билан

**Абдуазимова Сурайё Шодмонқулловна** — Янгиер шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Абдукаримов Ҳафизилла Ваққосович** — Чуст туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг 8-Б синф раҳбари, математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Абдукаримова Гулбаҳор Бахтияровна** — Андижон шаҳридаги «Brilliant Education» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Андижон вилояти

**Абдуллаева Дилбар Дехқонова** — Тўрақўрғон туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг 10-Б синф раҳбари, физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Абдурахманова Дилноза Абдураимова** — Қарши шаҳридаги 17-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаси дефектолог, Қашқадарё вилояти

**Абдусаттарова Шахноза Бахтияровна** — Тошкент туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг 7-В синф раҳбари, инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Абровова Нозила Сидикхоновна** — Поп туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Аметов Саламат Муратбаевич** — Кегейли туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари йиллик прогноза нисбатан 44 фоизга (18 триллион 353,1 миллиард сўм) бажарилиши ҳам, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва камбағалликни қисқартириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имконини берган.

Мажлис давомида Молия вазирлиги Давлат бюджетидан ичимлик ва оқова сув объектлари учун ажратилган маблағларни мақсадли харажат қилиш устидан назорат ўрнатиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан молиявий назорат ўрнатиш ва бошқа вазифалар юклатилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Қашқадарь вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботини эшитди. Шунингдек, Сенат ишчи гуруҳи томонидан вилоятни комплекс ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш яқунлари ҳам батафсил муҳокама қилинди.

Мажлисида таъкидланганидек, сўнгги беш йилда Қашқадарь вилояти шаҳар ва туманларини комплекс ривожлантириш юзасидан Президентнинг 1 та, Вазирлар Маҳкамасининг 12 та қарори қабул қилиниб, тасдиқланган дастурлар доирасида қатор ишлар олиб борилинган.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 10 миңдан ортиқ қондорларга эга бўлган 250 дан зиёд ҳўл квартиралар уйлар ҳамда қарийб 4,9 миңта янги намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Инфратузилмани яхшилаш мақсадида 2,4 миң километрдан зиёд автомобиль йўллари қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилинган, 3 миң километр ортиқ электр узатиш тармоғи ва 858 тонна трансформатор пунктлари амалга оширилган қурилиш-реконструкция ишлари натижасида 275 миңдан зиёд аҳоли ва 900 га яқин тадбиркорлик субъектларини электр энергияси билан барқарор таъминлашга эришилган.

Вилоятдаги 667 километр газ қувурлари янгидан монтаж қилинган. 315 миң аҳоли учун ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 968 километр ичимлик суви қувурлари реконструкция қилинган.

Бундан ташқари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, жорий йил 1 ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 19,3 триллион сўм, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 107,7 фоизни ташкил этган. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,8 миillion сўмдан иборат бўлиб, йил якумида 10,7 миллион сўмни ташкил этиши кўтилмоқда.

Ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ жорий йилнинг ўтган даври мобайнида умумий қиймати 1,9 триллион сўмлик жами 709 та лойиҳа ишга туширилган ва 4,4 миңта янги иш ўрни яратилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосан, Хитой, Туркия, Сингапур, Эрон, Россия, Канада, Нидерландия давлатларидан жалб этилган.

Мажлисида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастурларини шакллантириш жараёнида айрим лойиҳалар ташаббусларнинг имкониятлари тўлиқ ўрганилмаганидан дастурга киритилганлиги босис ижро мuddати келмасдан истиқболсиз деб топилган ҳолатлар мавжуд.

Қолаверса, 2021 йилги Инвестиция дастури доирасида баъзи қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган мuddатдан ортиқ қолмоқда.

Мажлисида ўрганиш яқунлари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 13 сентябрдаги сессиясида танқидий муҳокама этилганлиги, унда вилоят даражасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича алоҳида "Йўл харитаси" тасдиқланганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисида сенаторлар томонидан мавжуд муаммолари масалаларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди. Бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилиб, муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилоятда ўз ечимини қўйиб турган республика даражасидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди ва ижроси юзасидан сенаторлик назоратини йўлга қўйиш белгиланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси раисининг фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитди.

Қайд этилганидек, ушбу соҳада муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Президентнинг 2019 йил 16 августдаги "Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2020 йил 17 январдаги "Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ дастур ва режалар ишлаб чиқилган, уларнинг ижросини таъминлаш чоралари қўрилган.

Жумладан, республикада 53,5 миң гектар тўздор барпо этилиб, жорий йилнинг баҳорги мавсумида 62,5 миллион тул тул кўчати ва 53 миллион тулдан ортиқ акка қатор тул дарахтлари экилган. Қолаверса, 11 та ипак қурти уруғчилик қорхонаси ташкил этилган бўлиб, улар томонидан 2021 йилда 240 миң қурти саноатбоп ипак қурти уруғлари ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, 2019-2020 йилларда ипакчилик йўналишида инвестиция дастурига асосан 123 та лойиҳа доирасида 163,4 миллион долларлик маблағ, шу жумладан, 10,4 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинган.

Жорий йил баҳорги пилла боқим мавсумида 22,7 миң тонна пилла хом ашёси (хўл пилла) етиштирилган. Шунингдек, сўнгги тўрт йилда пиллачилик кластерлари осяи 19 тадан 76 гага етказилган.

2019-2020 йилларда қоракўл қўйларининг наслини яхшилаш мақсадида Навоий вилоятининг Қонимех тумани, Қашқадарь вилоятининг Гузор тумани ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпри туманида Қоракўлчилик илмий наслчилик тажриба станциялари фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, 2021 йилда қоракўлчилик кластерлари томонидан 66 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган.

Баҳариланган ишларга қарамай, ипакчилик, тўтичилик, қоракўлчилик ва маданий яилловлар барпо этишни ривожлантириш билан боғлиқ тизимли муаммолар сақланиб қолаётгани таъкидланди.

Шунингдек, 2020 йилда янги тутзорлар барпо этиш учун пиллачилик тармоғи ташкилотларига кўп йиллик ижара шартномаси асосида қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишдан чиқарилган ер майдонларини ажратиш бўйича ҳудудлар кесимидаги рўйхати тасдиқланган бўлишига қарамай, Жиззах вилоятидан ташқари бошқа бирорта вилоятда тутзорлар барпо этиш учун етарли ер майдонлари ажратилмаган.

Мажлисида сенаторлар соҳани ривожлантириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилинган ишлар етарли даражада эмаслигини қайд этди. Ўз ўрнида,



Вазирлар Маҳкамаси ва масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Мажлис масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин таълим муассасалари битирувчиларни иш билан таъминлашдаги долзарб муаммолар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида ҳукумат томонидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб техникумлар ўқувчиларига амалиёт ўташ жойларини ташкил қилиш ҳамда келгусида ишга жойлаштириш учун 800 га яқин тармоқ қорхона ва ташкилотларга бириктириш юзасидан ҳукумат қарори тайёрланган.

Ешларнинг тадбиркорлик билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида олий ва профессионал таълим муассасаларида муайян фанлар ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилган.

Хизматчиларнинг асосий лавозимлар ва ишчилар касблари классификатори лойиҳаси тайёрлиб, унга 2163 та янги лавозим ва касб қўшилган.

"Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексида www.ish2.mehnat.uz бўш (вакант) иш ўринлари базаси яратилган.

Шунингдек, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда "Mening ishim" бюрутмалар биржаси онлайн майдонига ишга тушириш орқали фуқароларни қўлиш ишга ёллашда иш берувчи жисмоний ва юридик шахсларга интерактив хизматлар кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Мажлисида бу борада амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида бир қатор тавсияларни илгари сурди.

Жумладан, олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчиларини ўқув-ишлаб чиқариш амалиётига жалб қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан олий таълим муассасаларига бюрутмалар бериш амалиётини йўлга қўйиш, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда хусусий секторда кадрларни ишга жойлаштириш бўйича субъектлар фаолиятини рағбатлантириш тизимини яратиш ва бошқа ишларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атраф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, ушбу соҳада халқаро молия институтларининг 1 094,6 миллион доллар кредит маблағлари жалб этилган бўлиб, 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар доирасида 19 та объектда 1 780 километр оқова сув тармоқларини тортиш, иншоотлар қуеватини 1 миллион 82 миң м<sup>3</sup>/суткага ошириш ишлари олиб борилинмоқда. Бунинг натижасида 1 миллион 588 миң аҳолининг оқова сув хизматлари яхшиланди.

Оқова сувни тозалаш жараёнида тулроқ ва ер ости сувлари ҳамда оқова сувнинг парланган қисми атмосфера ҳавосига тарқалишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрида илк бор пилот лойиҳаси рўёбга чиқарилган. Республика бўйича оқова сувларни тулқ зарарсилантириш мақсадида 36 миң тоннадан ортиқ қимёвий реагентлар сарфланган.

Бундан ташқари, Экология ва атраф-муҳитни муҳофаз қилиш давлат кўмитаси томонидан сув ресурсларини ифлослантирувчи манбалар мониторинги ташкил қилинган. Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар оқова сув тозалаш қорхоналарини ифлослантирувчи манбаларига назорат-таҳлил ишлари ҳар чоракда амалга оширилиб келинмоқда.

Республикада бирламчи оқова сув иншоотига эга бўлмаган, зарарлилик даражаси ўта юқори бўлган йирик ишлаб чиқариш саноат қорхоналари тармоқдан узилган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 18 та йирик саноат қорхонасига оқова сув хизматини кўрсатиш вақтинчалик тўхтатилган. Натижада 3 та қорхонада бирламчи тозалаш иншоотлари қурилишига эришилган.

Бироқ амалга оширилган ишларга қарамай, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб этилаётган маблағлари ўзлаштирилиши, лойиҳа ҳўжатларининг ишлаб чиқиши, келишиши ва тасдиқлангани мақсадаги мувофиқ.

Иншоотларга мейёридан ортиқ оқова сувлар ташланганини ҳисобга олиш тизими талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Қашқадарь, Хоразм, Андижон вилоятларидаги иншоотларга йиғилган оқова сувлар тозаланмасдан очик ҳавзга ташланмоқда.

Мажлисида сенаторлар соҳани ривожлантириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилинган ишлар етарли даражада эмаслигини қайд этди. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда масъул вазирлик ва идораларга топшириқлар берди.

Мажлис масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи ўн кунли ўсиши яқунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон иқтисодий форуми очилди. Мазкур форум мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижаларига ҳамда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришга бағишланди.

Форумнинг расмий очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди.

Форум ишини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирини Жамшид Қўчқоров очиб берди.

Таъкидлаш жоизки, форум ишида иштирок этиш учун Тошкентда Халқаро молия институтлари, хорижий ҳўкуматлар, йирик банклар ва инвесторлар, консалтинг ва аудит фирмалардан иборат юздан ортиқ ташкилотларнинг уч юздан зиёд юқори мартабали вакиллари келишган.

Форумда Жаҳон банки вице-президенти Анна Бьерде, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиксин Чен, "Goldman Sachs Asset Management" кенгаши собиқ раиси Жэймс О'Нил, "Rothschild&Co" вице-президенти, кузатув кенгаши раиси — Эрик де Ротшильд иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, МДХ Ижроия кўмитаси раиси Ижрочи қотиби Сергей Лебедев, Тожикистон Республикаси молия вазирини Фаизиддин Қарҳорзода, Россия Федерацияси Федерал солиқ хизмати раҳбари Даниил Егоров, Россия Федерацияси иқтисодий тараққиёт вазирини ўринбосари Дмитрий Вольвач, БАА Статистика ва рақобатбардошлик кўмитаси раиси Ханан Аҳли, Озарбайжон Республикаси иқтисодиёт вазирини ўринбосари Саҳиб Алекперов, Беларусь Республикаси иқтисодиёт вазирини ўринбосари Дмитрий Ярошевичлар ҳам мазкур тадбирда қатнашмоқда.

Икки кун давом этаётган халқаро форум ялпи йиғилиш билан бошлаб, юқоридаги нуфузли меҳмонлар иштирокида иқтисодий ислохотларнинг сарҳисоби муҳокама қилинди. Мазкур форумнинг икки кунлик дастуридан жами ўн тўртта секция жой олган бўлиб, унда давлат қорхоналари ва банклар трансформацияси, хусусийлаштириш, капитал бозорини ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳамда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик истикболлари каби мавзулар қамраб олинган.

Мажкур тадбирни "Financial Times" нашрининг "fDi Intelligence" муҳаррири Якопо Деттони олиб бориб, унда Ўзбекистон ҳўкумати вакиллари билан бирга ЕТБнинг собиқ президенти Сума Чакрабарти, Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Хела Шейхруху, Аделаида университетини профессори Ричард Помфрет ҳамда "UzAuto Motors" АЖ бош директори Бо Андерсен иштирок этди.

Форум иши давомида иқтисодий ислохотлар натижаларини бўлган элликдан ортиқ муҳим шартномалар ва келишув ҳўжатлари имзоланиши кўзда тутилган. Шунингдек, икки кунлик муҳокама натижасида халқаро ва миллий экспертларнинг келгуси иқтисодий ислохотлар бўйича фикрлари умумлаштирилди.

Форумда дунёнинг етакчи экспертлари ва таҳлилчилари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар янги ёғалар учун муҳим замин бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА муҳбири.

# МАМЛАКАТИМИЗДА МДХ САЙЛОВЛАРИНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тақлифига биноан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДҲ) Ижроия кўмитаси раиси биринчи ўринбосари Леонид Анфимов бошлиқлида МДХ сайловларини кузатиш миссиясининг узок мuddати кузатувчилари мамлакатимизга ташриф бурди.

## «Сайлов — 2021»

Кеча Марказий сайлов комиссиясида Кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомўжаев меҳмонларни сайлов кампанияси билан таъминлаш, сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Сайлов кодексида мувофиқ очик ва ошкора ўтказилаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, айни дамда Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёни бошлангани, сайловолди тарбиятини олиб бориш ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга тенг имкониятлар яратилганлиги қайд этилди.

Учрашув давомида таъкидланганидек, МДХ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида миссиянинг штаби иш бошлайди.

Миссия ўз фаолияти давомида сайлов жараёни бориши ҳақида материалларни тўплаш ва таҳлил қилиш, сайлов қўнунчилигини ҳўқуқий экспертизадан ўтказиш ва телевизион дастурлар ҳамда босма оммавий ахборот воситаларида чиқаётган сайлов олд материалларини мониторинг қилиш, номзодларнинг сайлов штабларида учрашувлар ўтказиш билан шуғулланади.

Қайд этиш жоизки, Марказий сайлов комиссияси шу кунга қадар 112 нафар халқаро кузатувчинини рўйхатдан ўтказди.

Учрашувдан сўнг Л. Анфимов оммавий ахборот воситалари вакиллариغا миссия фаолияти юзасидан мурожаат қилди. Ташриф доирасида делегация аъзоларининг бир қатор вазирлик ва идораларда учрашувлари режалаштирилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

# ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ТАЯНЧ УСТУНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим маканлари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар фаолият юритмоқда.

Дунёдаги ривожланган давлатлар юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига, аввало, илм-фан ҳамда таълимга қаратилган улкан эътибор тўғрисида эришган, — дейди Яқсарой Нодира Азизова. — Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа қатори таълим тизимини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассамдир.

Тадбирда санъат усталари томонидан шарафли касб охибларини мадҳ этувчи саҳна кўринишлари, куй ва қўшиқлар янгради.

— Юртимизда инсон қадрини юксалтириш борасида олдчил бўрилаётган ишлар силсиласида ўқитувчи шахсининг, меҳнатининг улуғланётгани бизни беҳад хурсанд қилмоқда, — дейди Гулран туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анара Маҳмудова. — Бу жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ишодий зиялиларнинг чин маънода халқимиз интилаётган унвони Ренессанснинг таянч устунларига айланишига ундайди.

Куннинг иккинчи ярмида тадбир иштирокчилари "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф бурди, Мустақиллик монументи пойига қўйди.

Байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлигининг катта муҳаррири Ирисмат Абдухўлиқова турмуш ўртоғи **Мавжуда АБДУХЎЛИҚОВНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этди.

Тошкент молия институти ректорати ва Касаба уюшмаси кўмитаси институтинг Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Муҳиддин Примова онаси **МУСАЛЛАМ АНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этди.

# ИСЛОХОТЛАРИМИЗНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ

Хабарингиз бор, кеча Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўзи ишини бошлади. Унинг дастлабки кунда юртимизда амалга оширилаётган тўл ислохотларни янги босқичга кўтаришга туртки берадиган қатор долзарб масалалар қизгин муҳокама қилинди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлар ўз фикрларини қуйидагича баён этди.

## Мушоҳада

### БЮДЖЕТ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?



**Эркин ГАДОВЕВ,** Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси:

— Ялпи мажлисида сенаторлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил биринчи ярмидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни атраф-муҳитда кўриб чиқди.

Давлат бюджетининг ижроси "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тўғрисида"ги Қонунда белгиланган бюджет параметрларига мувофиқ тарзда таъминланган. Бунда эътибор жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобал инқироз оқибатларининг миллий иқтисодиётимизга таъсирини юмшатишга, коронавирус пандемияси шарафотида иқтисодий барқарорлиқни сақлашга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қабул қилинган Президент Фармон ҳамда қарорларидagi вазифалар ижросига қаратилганлиги, айниқса, диққатга сазовор.

Бу даврда миллий иқтисодиётимизнинг 6,2 фоизга ўсганлиги айнан ўз вақтида қўрилган мувофиқлаштирилган фискал ва пул-кре-

дит чораларининг самарасидир. Хусусан, дунёда кечаётган пандемияга қарамай республикамиз ЯИМ ҳажми 318,5 трлн. сўмни ташкил этган. Бунини соҳалар бўйича таҳлил қилсак, саноатда — 8,5, қурилишда — 0,1, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалигида — 1,8 ва хизматларда 8,0 фоиз ўсишга эришилгани, албатта, барчамизни мамнун қилади.

Яна бир мисол: ҳисобот даврида Давлат бюджетини даромадлари 74,9 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 69,4 трлн. сўм прогнози 107,8 фоизга бажарилди. Даромадлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 16,7 трлн. сўмга кўп бўлди.

Шу ўринда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми прогнозага нисбатан 118,9 фоизга бажарилганлигини айтиш зарур. Бундай фикрларни давлат мақсадили жамғармалари ижроси юзасидан ҳам билдириш мумкин.

Ушбу натижалар, пировардида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда камбағалликни қисқартириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имконини берганлиги, айниқса, эътиборга молик.

### ЮТУҚЛАР БИЛАН БИРГА, АЙРИМ МУАММОЛАР ҲАМ МАВЖУД



**Ризқул СИДДИКОВ,** Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари:

— Ялпи мажлисида оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атраф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровига берилган жавоб таҳлилий кўриб чиқилди.

Қайд этилганича, бу борада муайян ишлар бажарилган. Хусусан, соҳага жалб қилинган халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар доирасида 19 та объектда 1 780 км. оқова сув тармоқларини тортиш, иншоотлар қуеватини 1 млн. 82 миң м<sup>3</sup>/суткага ошириш ишлари олиб бориляпти. Бу орқали 1 млн. 588 миң аҳолининг оқова сув таъминотини яхшилаш мақсад қилинган.

Шунингдек, республика бюджетининг 349,1 млрд. сўм маблағлари ҳисобидан 23 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этиляпти. Улар доирасида 7 та объектда 247,8 км. оқова сув тармоқларини ўрнатиш ишлари бажарилган. Мухими, ушбу лойиҳалар жаҳон таърибаси асосида оқова сув тозалашнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали амалга оширилаётган.

Яна бир янгилик шуки, оқова сувни тозалаш жараёнида тулроқ ва ер ости сувлари ҳамда оқова сувнинг парланган қисми атмосфера ҳавосига тарқалишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрида илк бор пилот лойиҳаси рўёбга чиқарилди.

Бирламчи оқова сув иншоотига эга бўлмаган, зарарлилик даражаси ўта юқори йирик ишлаб чиқариш саноат қорхоналарини тармоқдан узатиш бўйича ҳам қатор юмшлар бажарилган. Масалан, Тошкент шаҳридаги 18 та йирик саноат қорхонасига оқова сув хизматини кўрсатиш вақтинчалик тўхтатилган ва натижада 3 та қорхонада бирламчи тозалаш иншоотлари қурилишига эришилган.

Шу каби ютуқлар билан бирга, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, оқова сув тозалаш иншоотларини таъмирлаш ва модернизация қилиш учун жалб этилган чет эл инвестицияларини ўзлаштириш, лойиҳа ҳўжатларини ишлаб чиқиш, келишиши ва тасдиқлаш, уларни қуриш ва ишга тушириш ўз вақтида амалга оширилмапти.

Локал тозалаш иншоотлари бўлмаган йирик саноат қорхоналарига нисбатан етарли чора кўрилмаган. Оқова сув таркибидagi ифлослантирувчи моддаларнинг мониторингини олиб борадиган лабораторияларни зарур ўлчов асбоблари ва қимёвий реактивлар, етук мутахассислар ва малакали кадрлар билан таъминлаш ҳам бугун жуда муҳим.

Ушбу масалаларни ўз вақтида бажариш йўлида барчамиз бирга ҳаракат қилсак, албатта, ютуқларимиз янада салмоқли бўлади.

«Халқ сўзи».

— Ялпи мажлисида оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атраф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровига берилган жавоб таҳлилий кўриб чиқилди.

Қайд этилганича, бу борада муайян ишлар бажарилган. Хусусан, соҳага жалб қилинган халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар доирасида 19 та объектда 1 780 км. оқова сув тармоқларини тортиш, иншоотлар қуеватини 1 млн. 82 миң м<sup>3</sup>/суткага ошириш ишлари олиб бориляпти. Бу орқали 1 млн. 588 миң аҳолининг оқова сув таъминотини яхшилаш мақсад қилинган.

Шунингдек, республика бюджетининг 349,1 млрд. сўм маблағлари ҳисобидан 23 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этиляпти. Улар доирасида 7 та объектда 247,8 км. оқова сув тармоқларини ўрнатиш ишлари бажарилган. Мухими, ушбу лойиҳалар жаҳон таърибаси асосида оқова сув тозалашнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали амалга оширилаётган.

Яна бир янгилик шуки, оқова сувни тозалаш жараёнида тулроқ ва ер ости сувлари ҳамда оқова сувнинг парланган қисми атмосфера ҳавосига тарқалишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрида илк бор пилот лойиҳаси рўёбга чиқарилди.

Бирламчи оқова сув иншоотига эга бўлмаган,